

# milliy tiklanish

Adodi — 5 063

www.mtgazeta.uz fb.com/milliytiklanish.gazetasi

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН  
«КАТТА САКРАШ  
ДАВРИ» 3с

МАСЪУЛИЯТ ВА  
тезкорликдан холис муносабатларгача...

ВАТАН  
БУ МЕНИНГ ОТАМ,  
МЕНИНГ ОНАМДИР! 3с

## Олдини олиш мумкинми?

ДЕПУТАТЛАРНИНГ ФИКРИЧА, МУМКИН! ФАҚАТ  
КОНУНГА ҚАТЪИЙ АМАЛ  
ҚИЛИНИШИ КЕРАК



«Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида электрон далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга доир янги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.



Фузулийнинг  
асарлари ўзбек  
тилида нашр  
этилди

Хайдар Алиев номидаги Озарбайжон маданият маркази ташаббуси билан буюк озар адиби Муҳаммад Фузулийнинг асарлари Ўзбекистонда нашрга тайёрланди. Икки жиллик «Куллийёт»нинг биринчи китобидан газаллар, иккинчи жилдан бошқа шеърлар ўрин олган. Лойиҳа Фузулий таваллудининг 530 йиллигига бағишланди. Эслашиб ўтамиз, ушбу ижодкорнинг китоби юртимизда ilk бор 1959 йил кирилл алифбосида икки жилда чоп этилган. Кейин ҳам шоир асарлари турли муаллифлар томонидан бир неча бор нашрга тайёрланди, ammo аввалги саъй-ҳаракатлар адиб ижодини тўлиқ камраб ололмаган. Бу гал ташкилотчилар турли даврларда ўзбек ва озар тилларида босилган асарлари, «Девон»и кўлдема нусхаларидан фойдаланган ҳолда Муҳаммад Фузулий ижодини кенг ёритишга муваффақ бўлишди. Шунингдек, олдинги хатолар бартараф этилди, изоҳ, мулоҳазалар қўшилди. Китоб сўнгига мўъжаз луғат қўшимча қилинган. Мазкур нашр тақдими Тошкентда ўтказилган «Озарбайжон маданияти кунлари» доирасида ўтказилди. Яқин кунларда марказ томонидан бир неча олий ўқув юртида тақдирот ўтказиш, шунингдек китобни Ўзбекистоннинг етакчи университетлари, кутубхоналарига тарқатиш режалаштирилган.

Мухаррама  
ПИРМАТОВА, ЎЗА

«MILLIY TIKLANISH»



АНОНСЛАР



МЛТИМОООООС,  
КИТОБИМНИ СОТИБ БЕРИНГ!

5с

Талабалигимизда ўқимасак «сувимиэни сикади»ганлар филология факультетининг домдалари эди. Гарчи, журналистикада ўқимасак нега бизга филология факультети домдалари дарс беришди, деб кўп ўйлардик. Кейинроқ бу саволнинг жавобини топдик... Айниқса, Қозокбой Иўлдошевнинг дарсларида аудитория тўла бўларди. Ўзбек тилининг жонқуяри, менга ўхшаган миңлаб ёшлар яхши билган, ҳар қандай шароитда ҳам тилимиз ривожига онд ўз қаранларини далил айтиб келаятган домла ўтган ойда 75 ёшни қарши олибдилар.

763  
МИЛЛИОН  
КИШИ  
САВОДСИЗ...



ҚОЧИНГ!  
«ХАМСТЕР»  
СИЧҚОНЧАСИ  
КЕЛЯПТИ 5с

НЕГА  
ХАВФЛИ  
КАСАЛЛИКЛАР  
ЁШАРИБ БОРЯПТИ? 4с



3 sahifa

Эҳтиёманл  
онларнинг  
фарзанди  
бўлган 110 миң  
талабанин  
контракти учун

332

млларда сўм ажратилган  
яқин келажакда дунёнинг  
лиг нуфузли олий оқушларида  
таълим олган ёшларимиз  
юрт тараққиётига хисса  
қўша бошлайдилар,  
деганидир. Шу ўринда  
бугун Гарвард, Колумбия,  
Стенфорд, Оксфорд,  
Кэмбридж ва Бирмингем  
сингари дунё таълим олий  
таълим муассасаларида  
ўқитган ёшларимиз сонин  
200 дан ошганини ҳам  
алоҳида таъкидлаш жоиз.



Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Жаҳонгир Ширинов ушбу қонун лойиҳаси жуда долзарб эканини таъкидлаб, депутатларни биринчи ўқишда қўллаб-қувватлашга чақирди. Чунки ахборот-коммуникация технологиялари ривожлангани сари шу соҳа билан боғлиқ жиноятлар ҳам ошиб борапти.

# ОЛДИНИ ОЛИШ МУМКИМИ?

## ДЕПУТАТЛАРНИНГ ФИКРИЧА, МУМКИН! ФАҚАТ ҚОНУНГА ҚАТЪИЙ АМАЛ ҚИЛИНИШИ КЕРАК



«Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида электрон далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга доир янги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Таъкидлаш лозим, кейинги йилларда суд-ҳуқуқ тизимида ҳам замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланилаётгани соҳада очиқлик, шаффофликни таъминлаш имконини берапти. Жумладан, далилларнинг график тасвирлар, аудио-видеоёзувлар, интернетдан маълумотлар олиш билан боғлиқ электрон турлари пайдо бўлди. Аммо ҳали миллий қонунчилигимизда бундай тушунчалар ва улардан фойдаланиш тартиби аниқ белгиланмаган.

Ушбу қонун лойиҳаси орқали ана шу бўшлиқ тўлдирилиб, электрон далиллар тушунчаси ва уларни аниқлаш, тўплаш, текшириш, баҳо бериш, сақлаш тартиблари ҳамда

жараён иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ-тиниқ белгилаб қўйилапти. Чунки кейинги йилларда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда жиноят содир этиш ҳолатлари кескин ошиб борапти. Ҳатто бугун дунёнинг исталган ҳудудида туриб, ўзгаларнинг мол-мулкни талон-торож қилиш мумкин бўлиб қолди. Айниқса, аҳолининг банкдаги ёки пластик картасидаги пулларини талон-торож қилишнинг янги усуллари пайдо бўлди.

Айниқса, кибержиноятлар сони кескин ошяпти. Бугун дунёда ҳар 40 сонияда бир кибержиноят содир этилмоқда. Мамлакатимизда 2023 йилнинг 11 ойида 5,5 мингта шундай ҳолат содир этилган. Уларнинг 70 фоизи банк карталари билан боғлиқ фирибгарлик ва ўғирликлардир. Икки йил ичида биргина Тошкентнинг ўзида кибержиноятлар сони 40 баробарга ошган. Пойтахтликлар 2022 йили

ушбу жиноят туридан 45,2 млрд сўм зарар кўришган. Қонун ташаббускорларининг қайд этишича, ушбу қонун лойиҳаси бундай жиноятларга қарши самарали курашиш имконини беради.

Фракция аъзоси, Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Жаҳонгир Ширинов ушбу қонун лойиҳаси жуда долзарб эканини таъкидлаб, депутатларни биринчи ўқишда қўллаб-қувватлашга чақирди. Чунки ахборот-коммуникация технологиялари ривожлангани сари шу соҳа билан боғлиқ жиноятлар ҳам ошиб борапти.

Йиғилишда шунингдек, «Аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Нурмат Отабековнинг таъкидлашича, шаҳарларда аҳоли ва саноат корхоналари сони ошиб бориши натижасида шовқинлар кучайиб, уларнинг салбий таъсири ортиб борапти. Жумладан, шовқинлар шаҳарликлар орасида Алцгеймер касаллиги, яъни хотиранинг пасайиши, қарлик, бош мия билан боғлиқ хасталикларнинг ортишига сабаб бўлмоқда. Бугун дунё бўйича 360 млн одамда шундай касалликлар аниқланган.

Афсуски, Ўзбекистон ҳам бундай муаммолардан холи эмас. Аҳоли саломатлиги ва осойишталигига салбий таъсир кўрсатувчи зарарли шовқинларга қарши курашиш бўйича белгиланган жарималар миқдорининг камлиги бундай ҳолатларни тартибга солишни қийинлаштирмоқда ва эътирозларнинг ортишига сабаб бўляпти. Масалан, амалдаги қонунчиликда тунги вақтларда аҳоли тинчини бузганларга нисбатан фуқароларга – 113 минг сўм, мансабдорларга эса 226 минг сўмгача жарима белгиланган. Аммо кулгили даражадаги ушбу жарима табиийки, бугун ўзининг профилактик ва тарбиявий

КОНУН КУЧГА КИРСА, ТУНГИ ВАҚТ – 23:00 ДАН 06:00 ГАЧА, БАЙРАМ КУНЛАРИ СОАТ 22:00 ДАН 09:00 ГАЧА ВАҚТ ОРАЛИГИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ОСОЙИШТАЛИГИНИ БУЗГАН ФУҚАРОЛАРГА БҲМ УЧ-БЕШ (339 МИНГ СЎМДАН 1,7 МЛН СЎМГАЧА), МАНСАБДОРЛАРГА ЭСА 15 БАРАВАРИГАЧА (5,1 МЛН СЎМ) ЖАРИМА СОЛИНАДИ.

аҳамиятини кўрсатмаяпти. Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳаси билан жарималар миқдорини ошириш таклиф қилинапти. Жумладан, қонун кучга кирса, тунги вақт – 23:00 дан 06:00 гача, байрам кунлари соат 22:00 дан 09:00 гача вақт оралиғида фуқароларнинг осойишталигини бузган фуқароларга БҲМ уч-беш (339 минг сўмдан 1,7 млн сўмгача), мансабдорларга эса 15 бараварига (5,1 млн сўм) жарима солинади. Агар шундай ҳолат бир йил давомида такоран содир этилса, жарима миқдори янада ошади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси эса бу борада ваколатли давлат органи сифатида белгиланаяпти. Н.Отабеков қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда хорижий тажриба ҳам ўрганилганини таъкидлади. Бугун ана шундай ҳолатлар учун Беларусда юридик шахсларга 7,7 млн, фуқароларга 4,6 млн сўм, Қирғизистонда 4 млн ва 1,4 млн сўмгача, Қозғистонда мансабдорларга 15 млн сўмгача, фуқароларга 550 минг сўмгача,

Францияда 1,8 млн сўмдан 2,7 млн сўмгача, Германияда эса 6,7 млн сўмгача жарима белгиланган.

Маълумки, халқаро қонунчиликда «тунги вақт» атамаси бор ва бунда асосан 8 соатдан 13 соатгача бўлган вақт оралиғи тушунилади. Аммо «тунги вақт» оралиғи барча давлатларда бир хил эмас. Масалан, Европанинг аксарият давлатларида бу режим 8-9 соат қилиб белгиланган.

Мамлакатимиз қонунчилигида эса «тунги вақт» ҳам тартибга солинмаган. Меҳнат кодексидан 22:00 дан эрталаб 6:00 гача белгиланган бўлса, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексдан 23:00 дан эрталаб 6:00 гача деб кўрсатилган. Санитария меъёри қоидада эса 23:00 дан эрталаб 7:00 гача «тунги вақт» деб белгиланган. Эндиликда ушбу қонун лойиҳаси билан иш кунлари ва байрам кунлари учун алоҳида «тунги вақт» тартиби белгиланаяпти.

Фракция раҳбари Алишер Қодиров ушбу қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлаб, «тунги вақт» атамасини ўзгаришдан таклиф қилди.

– Хорижий тажрибадан олинган бу атамни қонунчилигимизга «дам олиш вақти» деб ўзгартирсак мақсадга мувофиқ бўлар эди, – деди Алишер Қодиров.

Қонун ташаббускорлари бу таклифни маъқуллаб, иккинчи ўқишда эътиборга олинишини маълум қилди.

Депутат Аъзам Тўлабоев эса жарималар кескин ошаётганига, «Тушунтириш хати»да бунга асослар, статистик маълумотлар келтирилмаганига эътироз билдириб, жарималарни қайта кўриб чиқишни таклиф қилди.

Қизгин муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси концептуал маъқулланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг куни кеча бўлиб ўтган ялпи йиғилишида ҳам ушбу қонун лойиҳалари муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Равшан МАҲМУДОВ,  
«Миллий тикланиш» муҳбири

✓ Кутинг!




Баҳодир МАМАТҲОНОВ,  
партия Марказий кенгаши раиси ўринбосари

# КОРЕЯ ТАЖРИБАСИ: ЎРГАНАДИГАН ЖИХАТЛАР БОР ЭКАН...

Келгуси сонларда

✓ Партия лойиҳалари

<p><b>2024</b></p> <p><b>VAZIFA</b></p> <p><b>SAYLOVOLDI DASTURI</b></p> <p><b>NATIJA</b></p> <p><b>FAOLIYATI</b></p>	<p><b>2024</b></p> <p><b>VAZIFA</b></p> <p><b>SAYLOVOLDI DASTURI</b></p> <p><b>NATIJA</b></p> <p><b>QARORI</b></p>	<p><b>2024</b></p> <p><b>VAZIFA</b></p> <p><b>SAYLOVOLDI DASTURI</b></p> <p><b>NATIJA</b></p> <p><b>EKSPEDITSIYASI</b></p>
---	--	--



Президент мактабларидагидек баҳолаш тизими яна 500 та мактабда жорий қилиниши ҳисобига бир йилда билимларни ўзлаштириш даражаси 53 фоиздан 60 фоизга ошган. Яна бир факт: бу йил мактабларни 14 мингдан зиёд ўқувчи олтин ва кумуш медаллар билан битирди.



# ВАТАН БУ МЕНИНГ ОТАМ, МЕНИНГ ОНАМДИР!

Хар кун, хар соатда, нотинчлик ва беҳаловатликдан “қалқиб турган” дунёдаги воқеа-ходисаларни кузатиб, кўнглимдан хавотирли ўйлар кечаверади: миллатлар ўртасидаги низоларни нахотки тинч йўл билан ҳал қилиб бўлмас?! Кундан кунга авж олиб бораётган урушлар, қонли тўқнашувларнинг адоги бормикан?! Нахотки энди ер юзида тинчлик ҳукм сурмас?! Бизни келажакда яна нималар кутяпти? Хар қадамда ўлим билан юзмаюз келаётган болаларнинг тақдир қандай кечади? Афсуски, бундай саволларга жавоб йўқ менда. Шукурки, Ўзбекистонимиз тинч, халқимиз осойишталикда яшашти. Энг асосийси, давлатимиз биз ёшларни ҳеч нарсага муҳтож қилмай улғайтирапти. Билим, хунарли, салоҳиятли бўлиб вояга етишимиз учун барча шароитларни яратиб берапти. Айниқса, менингдек ота-она меҳри ва муҳаббатини кўрмаган инсон учун ҳаётимда давлатнинг ўрни бекиёсе, Ватан сўзининг залвори эса бўлакча! Чунки Ватан бу менинг отам, менинг онамдир! Ватаним бу мени дунёга келган соатлардан бошлаб меҳрга зориқтирмай улғайтириб келаётган Яқиним! Чин маънода суянган Тоғим!.. Кун кеча Ёшлар байрами муносабати билан «Хумо Арена»да бўлиб ўтган тadbирда мен ҳам катнашдим. Унда тенгдошларим кўзидаги қувончни кўриб, мен ҳам ана шу бахтиёр

ёшлар сафида эканимдан фарландим. Келажакда менинг фарзандларим ҳам мана шу тинч юрда бахтли яшашларини кўз олдимга келтириб, юрагим орзикаб кетди. Очиги, ёшларга кўтаринки кайфият бераётган бу байрамдан олган таассуротларимни сўз билан ифодалаб бера олмайдим. Айниқса, Президентимизнинг “Фарзандлари билим, истеъдодли, ўзининг кучи ва салоҳиятига ишониб, доимо олдинга интилиб яшайдиган халқ ва давлатнинг истиқболи, албатта, ёруғ бўлади. Биз Ўзбекистон ёшларини ана шундай эзгу фазилатлар соҳиблари этиб тарбиялаш учун бундан бун ҳам бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз. Ҳеч қачон унутманг, сизлар ёшлиқнинг хар бир дақиқасини ғанимат билиб, доимо бунёдкорлик ва ижодкорлик ҳисси билан, Ватанга чексиз меҳр ва садоқат туйғуси билан яшасангиз албатта кам бўлмайсиз”, деган гаплари менга катта куч берди. Йўқ, бу муболага эмас. Юртбошимизни диққат билан эшитиб, оталарча меҳрини ҳис қилиб, қалбимда янги-янги режалар, максadлар пайдо бўлди. Ўзбекистон келажagini барпо этадиган умидли ёшларнинг бир вакили сифатида Давлатимиз етакчиси билдирган юсак ишонччи оқлаш учун бор кучим, билимим ва салоҳиятимни аямайман деб кўнглимга тугиб қўйдим.

Фотима ФАЙЗИЕВА, партия фаоли

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИ НИМАЛАР КУТЯПТИ?



Ёшларни хар томонлама етук, билимли ва салоҳиятли этиб тарбиялаш – давлат сиёсатининг энг юқори нуқтасига кўтарилди, десак муболага бўлмайди. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилувчи қонуний асослар йилдан-йилга такомиллаштириляпти. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 30 июнь – Ёшлар куну муносабати билан ёшлар сиёсати соҳасида амалга оширилган ишлар сарҳисоби, ёшларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари юзасидан ўтказган видеоселектор йиғилишида таъкидлаганидек, сўнгги етти йил юртимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни истеъдод ва салоҳиятини рўёбга чиқаришда «катта сакраш даври» бўлди.

Юртимизда ёшлар билан ишлаш бўйича дунёда ўхшаши кам бўлган вертикал бошқарув тизими яратилдики, бу ишлар дунё микёсида ҳам тан олинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон 2023 йилда Ёшлар тараққиёти индексида ёшлар сиёсати соҳасида энг тез ривожланаётган мамлакатлардан бири сифатида эътироф этилди. Шунингдек, Ўзбекистон БМТ томонидан «Ёшлар стратегияси – 2030»ни намунавий тарзда амалга ошириш бўйича танлаб олинган 10 та мамлакатдан бирига айланди. 2022 йили Бухоро шаҳрининг Туркий дунё ёшлари пойтахти, 2024 йилда эса азим Тошкентнинг МДХ минтақасида биринчи ёшлар пойтахти деб эълон қилинган ҳам шубҳасиз,

ёшлар – фрилансерлар 50 мингдан ошганини, улар йилига эллик, юз, ҳатто икки юз минг долларгача экспорт қилаётганини, лекин бизда уларнинг бошини қовуштирадиган, муаммоларини эшитиб, ҳуқуқларини химоя қиладиган тизим йўқлигини айтиб, IT билан шуғулланаётган ёшларга бир қатор имтиёзлар берилишини маълум қилди. Ийғилишда ёшларни катта даромад келтирадиган касбларга ўргатиш, юқори қўшилган қиймат яратадиган лойиҳаларни қўлайтириш бўйича ҳам катта ўзгаришлар бўлиши айтилди. Бунинг учун хар йили 100 миллион доллар ажратиладиган, инвестиция вазириги хузуридаги Ёшлар тadbиркорлиги жамғармаси эса Ёшлар агентлигига ўтказилди.

Яна бир ўзгариш: тарбияси оғир, қийин шароитдаги ёшлар билан янгича ишлаш тизими жорий қилинади. Жумладан, оилавий ажрим ёқасидаги, жиноят қилишга мойиллиги бор, мунтазам дарс қолдирувчи ёшлар билан манзилли ишланади. Туман ҳокимлари хар ҳафта, вилоят ҳокимлари ва вазирлар эса бир ойда камида бир марта ёшлар билан учрашиб, уларнинг муаммоларига ечим берадилар.

Қизларнинг таълим олиши, даромад топиши ва албатта шароитларини яхшилаш борасидаги ишлар давом эттирилиши ҳам таъкидланди. Хусусан, оғир шароитга тушиб қолган, уй-жойга муҳтож қизлар учун 1 хонали ижтимоий уйлар қурилади. Улар ишга жойлашиб, оёққа туриб олганга қадар, ушбу уйларда 3 йил бепул яшашлари мумкин бўлади. Бундан ташқари, соғлиги туфайли ишга қатнай олмайдиган қизларнинг яшаб турган хонадонидега масофавий иш билан таъминлаш чоралари қўрилади. Шунингдек, уч ташага фарзанди бор талаба-қизларга масофавий таълим олиш имконияти яратилади. Ийғилишда Президентимиз бу имкониятлардан ҳеч бир ёш четда қолмаслигини таъкидлади. Зеро, энди ёшларимиз хар бир дақиқани ғанимат билиб, бунёдкорлик ва ижодкорлик ҳисси билан, Ватанга меҳр ва садоқат туйғуси билан яшашлари лозим. «Янги Ўзбекистон ёшлари» деган шарафли номга муносиб бўлган йигит-қизлар эса, шубҳасиз, бебаҳо бойлигимиз ва олтин фондимиздир.

Муродбек РАҲМОНБЕРДИЕВ, Ёшлар иттифоқи Жиззах вилояти Кенгаши раиси, халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши депутати

Юртимизда ёшлар билан ишлаш бўйича дунёда ўхшаши кам бўлган вертикал бошқарув тизими яратилдики, бу ишлар дунё микёсида ҳам тан олинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон 2023 йилда Ёшлар тараққиёти индексида ёшлар сиёсати соҳасида энг тез ривожланаётган мамлакатлардан бири сифатида эътироф этилди.

Бу даврда ёшларга оид 100 дан зиёд қонун ва қарорлар қабул қилиниб, 200 дан ортиқ имтиёзлар берилди. Биргина таълим кредитидан 151 минг йигит-қиз фойдаланди. Эҳтиёжманд оилаларнинг фарзанди бўлган 110 минг талабанинг контракти учун 332 миллиард сўм ажратилгани эса яқин келажакда дунёнинг энг нуфузли олийгоҳларида таълим олган ёшларимиз юрт тараққиётига ҳисса қўша бошлайдилар, деганидир. Шу ўринда бугун Гарвард, Колумбия, Стенфорд, Оксфорд, Кембридж ва Бирмингем сингари дунё тан олган олий таълим муассасаларида ўқиётган ёшларимиз сони 200 дан ошганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Таҳлилчиларнинг фикрича, Президент мактабларидагидек баҳолаш тизими яна 500 та мактабда жорий қилиниши ҳисобига бир йилда билимларни ўзлаштириш даражаси 53 фоиздан 60 фоизга ошган. Яна бир факт: бу йил мактабларни 14 мингдан зиёд ўқувчи олтин ва кумуш медаллар билан битирди. Ўтган ўқув йилида эса 55 нафар мактаб ўқувчиси нуфузли халқаро олимпиадаларда олтин, кумуш, бронза медалларга сазовор бўлди. Маданият ва санъат соҳасидаги нуфузли халқаро танловларда эса ёшларимизнинг 383 нафари бош совринни, 1 минг 359 нафари 1-ўринни қўлга

ана шундай эътирофлар натижасидир. Бир неча кун олдин юртимизда илк бор ўтказилган Бутунжаҳон ёшлар фестивалида юзга яқин давлатдан 700 нафардан зиёд чет эллик ёшлар, 20 дан ортиқ нуфузли халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг вазирилик ва идораларидан раҳбар ва масъул ходимлар иштирок этидилар. Ана шундай кўрсаткичлар таҳлил этилган видеоселектор йиғилишида Давлатимиз раҳбари фарзандларимизни тарбиялаб, ўқитиб, мана шундай ютуқларга эришишига сабабчи бўлган ота-оналар, устоз ва мураббийларга миннатдорлик билдириб, ёшлар яратилаётган шароитларни қарра-қарра қўлайтириш бўйича янги ташаббусларни илгари сурдилар. Хусусан, ёшларимизнинг физика, кимё, биология, технология, муҳандислик, математика (СТЭМ) билан боғлиқ касбларга қизиқишини ошириш учун янги тизим жорий қилинадиган бўлди. Ногиронлиги бўлган ёшларга чет тилидан имтиҳон топшириш енгиллашади. Президент мактаблари агентлиги қошида «Олимпиадаларга тайёрлаш маркази» очилиб, махсус лабораториялар билан жиҳозланади. Халқаро олимпиадада қатнашувчи терма жамоалар эса режа асосида ушбу марказда тайёргарлик кўради. Президентимиз IT соҳасида ўзини ўзи банд қилган

## ✓ Партиявий ўқув



## МАСЪУЛИЯТ ВА ТЕЗКОРЛИКДАН ХОЛИС МУНОСАБАТЛАРГАЧА...

“Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгашида ҳудудий партия ташкилотларида фаолият олиб бораётган матбуот хизмати ходимлари учун икки кунлик ўқув-семинар бошланди. Таъкидлаш лозим, сайлов йилида “тўртинчи ҳокимият” вакиллари бўлган журналистлар зиммасига жуда катта масъулият юкланади. Шу жиҳатдан, бугун малакали ва билимли, тезкор, хар жиҳатдан профессионал журналистларни тайёрлаш устувор вазифага айланади. Маълумки, глобаллашадиган дунёда ахборот майдонини сифатли миллий контент билан тўлдириб, жаҳонда юз бераётган воқеа-ходисаларни миллий

манфаатлардан келиб чиққан ҳолда тезкор, ҳолис ёритиш масалалари борган сари долзарб аҳамият касб этапти. Анъанага айланган нэвбатдаги ўқув-семинарнинг биринчи кунини партиянинг 2020-2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастури ижроси, маҳаллий кенгаш депутатларининг бу жараёндаги роли ҳамда улар фаолиятини ёритаётган матбуот вакиллари олдида турган вазифалар, партиянинг ғоя ва ташаббусларини сайловчига ҳолис етказиш, ижтимоий тармоқлар ва IT технологиялари билан ишлаш ҳақида мулоқотлар ташкил этилди. Ўқув-семинар бугун ўз ишини давом эттиради.



# ЗАРРАБИН



«Ха, тўхтамасдан ҳаракат қилиб тургон вужудимизга, танимизга сув, ҳаво нақадар зарур бўлса, машаат йўлида ҳар хил қора кирлар билан кирланган руҳимиз учун ҳам шу қадар адабиёт керакдир. Адабиёт яшаса — миллат яшар. Адабиётни ўлмаган ва адабиётнинг тараққиётига чолишмаган ва адаблар етиштирмаган миллат охири бир кун ҳиссиётдан, ўйдан, фикрдан махрум қолиб секин-секин инқироз бўлур»

# ИЖТИМОИ

## КИТОБИМНИ СОТИБ БЕРИНГ!



ёхуд умид охирида ўлади, дея умид қилаётган зиёлиларнинг дилидаги ўйлари хусусида

Балки, ижод маҳсулидан кўнгли тўлмагани боис шундай қилишгандир. Аммо айрим замондош шоиру ёзувчиларимиз асари ёкмагани учун эмас, уни чоп қилиш, айниқса, сотиш машаққатдан баттар бўлгани учун ҳам ноилож асарларини ёқиб ятади. Унга кўшиб, соҳада катта ислохотлар олиб борилишига бўлган ишончини ҳам...

Айтиш жоизки, Янги Ўзбекистонда ҳамма нарса ўзгарди, ҳамма соҳада самарали ислохотлар олиб борилди ва жараёнлар давом этмоқда. Аммо матбуот ва ноширлик соҳаси деярли жар ёқасида. Аниқроғи, бир-бирига яқин бўлган ҳар икки соҳа «реанимацияда кома» ҳолатида десақ, муҳолага эмас. Ҳар иккиси «яшаш»га зўр бериб ҳаракат қилапти. Қурашяпти, фидойилар ҳисобига, матбуот ва ноширликни кадрловчи, бу икки соҳа миллатимизга керак, деб ҳисобловчи муассис ва саховатпешалар ёрдами билан зўра нафас оляпти...

Матбуотчилару, ноширларни кўя турайлик, бир-икки йилда китоблар ёзилмаслиги ҳам мумкин...

Ахир ҳеч бир рағбатсиз ақли, кўз нури, иктидорини сарфлаб ойнаб, йиллаб сарғайган қоғозларни қайта-қайта ўқиб, ёкмасе яиртиб ёки ёқиб бошқасини қоралаб асар яратиш азоби енгил эмас. Боз устига минг машаққат билан чиқарган китобини сотиш «операция»ларига ҳам ижодкорнинг ўзи бош-қош бўлса...

Кузатиб турсангиз, бизда илм-фан ва адабиёт ҳамда спорт соҳасида эришилаётган ютуқларни рағбатлантиришда мувоозанат бузилгандек. Спортчиларга «тоғдек», шўрлик ижодкорларга данакдек.

Ахир Чўлпон: «Ха, тўхтамасдан ҳаракат қилиб тургон вужудимизга, танимизга сув, ҳаво нақадар зарур бўлса, машаат йўлида ҳар хил қора кирлар билан кирланган руҳимиз учун ҳам шу қадар адабиёт керакдир. Адабиёт яшаса — миллат яшар. Адабиётни ўлмаган ва адабиётнинг тараққиётига чолишмаган ва адаблар етиштирмаган миллат охири бир кун ҳиссиётдан, ўйдан, фикрдан махрум қолиб секин-секин инқироз бўлур», — деб ёзганида адашганимди. Ёки таникли қозок журналисти, маърифатпарвар ва демократ М. Сералин ўзи муҳаррирлик қилган «Айқап» журнаlining 1922 йилдаги 1-сониде ёзади: «Тил ва адабиёт халқнинг қалби ва руҳидир... адабиётсиз халқ забонсиз боладай гап. Бундай бола бошқаларга ўзининг дарду қувончларини гапириб беролмайди.

Халқларни бир-бирига яқинлаштирадиган энг кучли восита тил ва адабиётдир. Ўз адабиётининг ҳақиқий кадр-кимматини билган халқларнинг фарзандларига ўз тилини чинакам ардоқлай олади. Қозок халқининг ўз тили ва ўз адабиёти бор... бизнинг бурчимиз унутилиб ётган улкан хазиналарни юзага олиб чиқиш ва ҳаммининг мулкига айлантиришдир», — деган гаплари алаҳсирашмиди?

Йўқ, аини ҳақиқат, булар асрлар ойна ўз исботини топиб келаятган фикрлардир.

Шу ўринда олис ёки яқин тарих эмас, замондош ёзувчи шоирлар ҳасратига қудок тугтас: тарихчи ва ёзувчи Ҳаким Сатторий шундай ёзаяпти:

— Шарк зиёкори», «Китоб олами» магазинларига китоб топширганлар бордир. Уларнинг кайфияти қанақа билмадим-у, мен шу ишимдан, аввало, одамлар ўқийди, деб китоб чиқарганимдан минг марта пушаймонман. Ёзасан, чиқарасан, сотасан — шунақа замон бўлиб қолди. Энди бу жараён умрини ўтади. Энди ҳеч ким ёзмайди, чиқармайди, демак, ҳеч ким китоб ўқимайди. Қўраверамиз... Арзиманган, тилга олишга ҳам тортинасиз, китобларнинг пулини, аммо шу магазинлар ўшани тўлашга ҳам қодир эмас. Ҳар сафар йиғлаб борсанг,

хўнграб чиқишади: «Картотекада ўтирибимиз!» Бу ёқда спортчиларга уйлар, машиналар, жарақ-жарақ пул. Футболчининг маоши ойига 50 миллион сўмдан кам эмас экан. Ёки кафасга қамаб, роса дўппослаб, қонини оқизиб, муштлаган-тепганга отнинг қалласидек муқофот... Тушуниб бўлмайди. Ахир жамиятда қандайдир нисбатлар, қонуниятлар амал қилиши керак-ку.

Ижтимоий тармоқда қайта-қайта эълон қилинган бу фикрларга шоир Озод Хушназаров шундай муносабат билдирибди:

— Барот Исроил 1200 бетлик китоб ёзди! Энди қандай чоп этилади, ким сотиб олади, муаммо! Мен ҳам ўз ҳисобимдан бир икки китоб чиқардим! Текин таркатдим, одамларга текин берсангиз олишар экан! Содда одамлар ёзувчиларни ҳамон бой деб ўйлашади! Дардимиз ичимизда! Мен шундай фикрдаман, раҳбарлар ёзувчиларни ёмон кўришар экан! Негаки, улар назарида биз ёзувчилар «яхши» ишларни кўролмайдиган, ҳасадгўй, иғвогар одамларимиз!

Маматкул Ражабов эса давлат раҳбарига ижодкорларни моддий-маънавий қўллаб - қувватлаш бўйича аниқ таклифлар билан чиқиш кераклигини ёзган бўлса, Мўминжон Сулаймонов ўқийдиган асар ёзилмаётгани, китобхонлар ҳалигача XX аср асарларини ўқийганини илдоа қилибди.

Ёзувчи Фарид Усмон эса «Шарк зиёкори»га китоб берганимга уч йил бўлди ҳали ҳануз пулини беришгани йўқ, бечоралар ўзимиз камбағалмиз дейишади, начора» — дейди.

Ушбу мунозарога қўшилган Нажмиддин Икромий куйидаги фикрни билдирибди: «Менимча, шу ҳаракатлар бўляпти. Айниқса, ёш ижодкорлар қўллаб-қувватланишти. Тўғриси, одамларга китоб ўқитиш биргина қарор билан битмаслигини ҳам ҳаёт кўрсатиб қўйди. Аввало, китоблар таннархини қамайтириш ҳақида ўйлаш керак».

Китоб чиқариш ва уни сотиш қундан-қунга оғрикли масала бўлиб борапти. Давлат ва нашриётларнинг ўз маблағлари эвазига чиқарилаётган китоблар ҳам кўп, албатта. Аммо аксарият журналист, ёзувчи-шоирларимизнинг китоб чиқаришлари тўғридан-тўғри маблағга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Начора, бозор иқтисодиёти...

Лекин нима бўлганда ҳам мутасаддилар ёзувчи, шоир ва китоб олди-сотдиси билан шуғулланувчи тадбиркорлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжат яратиш устида бош қотирсалар максалга мувофиқ бўларди.



Махбуба КАРИМОВА

Гоголь «Ўлик жонлар»нинг иккинчи қисмини ёқиб юборган бўлса, Миртемир «Манас»нинг таржимасини йиртиб ташлаган экан...

✓ Нигоҳ

# КОЧИНИНГ

## «ХАМСТЕР» СИЧҚОНЧАСИ КЕЛЯПТИ



Анчадан бери ўртоқларим билан йиғилганимизда орамизга сукуват чўкадиган бўлиб қолган. Уларнинг нима қилаётганларини сўрасам, қандайдир «Хамстер» деган ўйин ўйнаётганларини айтишди. «Хамстер»да қанча кўп танга тўпласа, даромади шунчага ошармиш. «Хўрозқанд чет эллики деса ётволиб ялашади» деганларидек, қаердан кириб келди бу бало бизга. Энг қизиғи, дарсага борсам, айрим устозларим ҳам «сичқонинг қоринини» босиб ўтирганини кўряпман. Хўласе, кўча-кўйда, автобус-у метрода ҳамма шу ўйин билан оввора...

Телеграм иловасидаги «Хамстер Комбат» деб номланган ўйин бугун нафақат оммалашди балки, кўплаб муҳокамаларга ҳам сабаб бўлмоқда. 60 миллиондан ошган фойдаланувчилар ўйиннинг моҳиятини тушуниб-тушунмасдан сичқонча «Хамяк»нинг қоринини босиб, тангалар йиғиш билан банд. Ўйновчиларнинг фикрига кўра, шу йўл билан тўпланган тангаларни сотиб, биржадан мўмай да-

ромад топиш мумкин экан. Тангаларни кўпайтиришнинг бошқа усуллари ҳам бор. Бунинг учун эса сиз ўйиннинг ижтимоий тармоқлардаги барча саҳифаларига обуна бўлишингиз, шунингдек, дўстларингизни ўйинга таклиф қилишингиз талаб этилади. Айнан шу йўл билан «Хамстер Комбат» тезда ривожланиб тарқаяпти.

Ушбу ўйиннинг асосий шарты тўхтовсиз телефон экранига босиб, танга йиғишдир. Йиғилган балларга қараб, экранда тасвирланган «Хамяк» семиради, кийинади, сўнг бойиб кетади. Унинг бундай ривожланиши тўрт босқичдан иборат, жумладан, ўйин бошида «Хамяк» қал ва алангоқ бўлади. «Хамяк» устига қанча кўп ва тўхтовсиз босилса, тангалар сони шунча кўпаяди ва сичқончанинг кўриниши ўзгариб боради. Криптовалютачи мутахассисларнинг сўзларига кўра, бу маркетинг стратегияси бўлиб, криптовалюта индустриясида «Хамяк» деган кўчма маънодаги атама мавжуд. Бу атама биржа бозориде янги, деярли ҳеч нарсага тушунмайдиган, фаоллигини энди бошлаган ишчиларга нисбатан қўлланилади.

«Хамяк»нинг келиб чиқиши 2024 йилнинг апрел ойига тўғри келади. Ўйин Николай Дуров ва Телеграм жамо-

аси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, «Хамстер Комбат» бу турдаги биринчи ва ягона ўйин эмас. Бундан ташқари, ҳозир ижтимоий тармоқда «Атизен», «Блум», «Есоin» сингари лойиҳалар ҳам машҳур. ТОН платформасида бундай иловалар юздан зиёд.


Алоҳида қайд этиш жоизки, бундай ўйинлар ёшларнинг миясини захарлаб, тезда ўзига оғдирмоқда. Тўғри, яқинда мусулмонлар идораси Биткоин ва Ноткоин каби криптовалюталар билан савдо қилиш шаръан жоиз эмас деган фатво билан чиқди. Аммо ҳеч қанча ўтмасдан бу фикрларидан қайтиб қолишди. Натияжада ўйинчилар сони миллион мартага ошиб кетди. Тан олайлик, гарчи ушбу ўйин тақиланганмаган бўлсада, одамларни дангасалик, боқимандаллик ва хаёларастлик оламига олиб кирмаяптими?

Биламизки, ҳозир абитуриентлар олий ўқув юртларига тайёргарлик кўришяпти. Бунақа ўйинлар эса ўз-ўзидан уларни чалғитаяпти, вақтларини оляпти. Балки айримлар осон пул топиб, оиламга ёрдам бераман деб ўйлашаётгандир. Аммо аччиқ ҳақиқат шундаки, азиз тенгдошлар «Хамстер» ўйинидаги вақт ўғриси — сичқонча сизни бой қилмайди. Аксинча, қашшоқлаштиради!

Зарина АХМЕДОВА







# Ўзбекистон

## Милал Жўра

Чайқалиб ётибди нурли бир чаман  
Ой билан офтобнинг буюк ватани.  
Тонг каби жилмайиб бахти очилган,  
Майсага кўмилиб нурли бадани.

Осмон посбонидир бунда бургутлар,  
Чумчуқ чуғурдан тешилади том.  
Бу ўлка кўксига ёнар булутлар,  
Чинор шохларига кўнганда шом.

Не-не дарёлар бор, югуриб-елиб,  
Уммонда қоларлар бир умр яхлаб.  
Бу чаман бағрига дарёлар келиб  
Заминга сингарлар, ниҳолдай шохлаб.

Кўзёшдек тинқидир бу элда осмон  
Шафтоли шохлари қайрилган онда.  
Нақш олма юзига юзурганда қон  
Офтоб ҳам осилиб, толар армонда.

Бу элнинг қадимий ҳар кўшиғида  
Бежиз олтин дея аталмас тупроқ.  
Симёғочга кўнган куш тумшугида  
Тилладай нурлибди турибди бошоқ.

Чайқалиб ётибди нурли бир чаман,  
Юлдуздай сочилиб оламга шони.  
Фидойи ўғилман, ёниб ўпаман  
Олам остонаси – Ўзбекистонни.

## САВОЛ БЕРИНГ!

**?** Бўлиб тўлаш асосида онлаин дўкандан товар сотиб олсам фискал чек бериладими?  
Зарфар Турахонов,  
Тошкент вилояти

– Товарлар бўлиб тўлаш (кредит) асосида сотилганда харидор товарни дарҳол олади. Шу сабабли, сотувчи онлаин-НКМ ва виртуал кассаларнинг биринчи чекида солиқ ҳисоботида автоматик равишда акс этадиган товарнинг тўлиқ кийматини кўрсатиши лозим. Бундай чекда QR-код ва фискал белги шакллантирилади. Харидор томонидан кредитни сўндириш учун белгиланган жадвалга мувофиқ кейинги тўловлар амалга оширилганда, сотувчи онлаин-НКМ ва виртуал кассада чек турини - "бўлиб тўлаш" ("Кредит") деб кўрсатади ва ҳар бир тўлов учун суммани белгилайди. Бундай чекларда QR-код ва фискал белги шакллантирилмайди.  
Солиқ кўмитаси Ахборот хизмати

**?** Ахборот эркинлиги деган сўзни тез-тез эшитдим. Шу ҳақда тўлиқ маълумот берсангиз.  
Нигора Зайниева,  
Термиз шаҳри

– Ахборот эркинлиги – фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларида бири бўлиб, ахборотни монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни сақлашга оид фаолият ҳисобланади. Ахборот олиш фақат қонунга мувофиқ ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, конституциявий тузум асослари, жамиятнинг ахлоқий кадриятлари, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида чекланиши мумкин.  
Нозима Муратова,  
ЎзЖОКУ доценти

**?** Эндиликда давлат ОТМларига қабул 2 босқичли бўлади деб эшитдим. Шу ҳақда тўлиқ маълумот берсангиз?  
Наргиза Каримова,  
Сирдарё вилояти

– 2024-2025 ўқув йилидан давлат олий ва профессионал таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича имтиҳонлар «аввал тест, сўнг танлов» тамойилига мувофиқ бир вақтда ўтказилади. Абитурientлар тўплаган балидан келиб чиқиб, олдин бакалаврият, сўнг профессионал таълим муассасаларига ўқишга кириш учун танловда иштирок этади. Биринчи босқичда ҳар йили 5 июндан 25 июнгача (25 июнь кунга ҳам) тест синови топшириш учун рўйхатдан ўтилади. Иккинчи босқичда эса тест синовлари тўлиқ якунланганидан сўнг 15 кун давомида ОТМ, таълим йўналиши ҳамда таълим шакли танланади.  
Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Ахборот хизмати

**?** Солиқ ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарлик борми?  
Нилуфар Рўзиева,  
Янгийўл тумани

– Ҳа, бор. Солиқ олинмаган фойдани (даромадни) ёки бошқа объектларни қасдан яшириш (камайтириш кўрсатиш) ёхуд солиқлар ва йиғимлар тўлашдан қасдан бўйин товлаш – фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари, мансабдор шахсларга эса – ўн беш баравари миқдорда жарима солишига сабаб бўлади. (Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс. 174-модда)  
Yurist maslahati rasmiy telegram kanali

**?** Ота-онам вафот этган. Отамдан қолган уйда ҳозирги кунда кичик акам оиласи билан яшайди. Лекин уй ҳеч қимга расман мерос сифатида қолдирилмаган. Қонун бўйича мен у уйдан ўзим учун улushi талаб қилсам бўладими ёки фақат ўғил фарзандлар бунга ҳақлими?  
Хуршида Тангриева, уй бекаси

– Қонунчиликда бу масала бўйича ўғил фарзандлар ҳақли, киз фарзандлар ҳақсиз деган нарсаси йўқ. Отангиздан қолган уй-жойга агар уй-жой ота-онангиз томонидан сиздан бошқа фарзандга қонуний ҳужжатлар билан ҳада қилинмаган бўлса ёки мерос қилиб қолдирилмаган бўлса, сиз ҳам акаларингиз билан бир хилда улушдор бўласиз ва ўша улушингизни ажратиш берилишини сўраб судга мурожаат қилишга ҳақлиси.  
Фарҳод Зайнидинов,  
ҳуқуқшунос-маслаҳатчи

**?** Марказий сайлов комиссиясига электрон мурожаат юбориш мумкинми?  
Едгора Комилжонов,  
тадбиркор

– Ҳа, мумкин. Бунинг учун www.saylov.uz расмий веб-сайтининг «Хизматлар» бўлимига кириб, «МСКга электрон мурожаат юбориш» тугмаси орқали саволингизни йўллашингиз мумкин.  
Марказий сайлов комиссияси Ахборот хизмати

О'zingizni qiziqirgan savollaringiz javob topolmaydizmi? Bizning quyidagi telegram kanalimizda yo'ling, bizning mutaxassislar savollaringizga javob berishadi.  
**90**  
**245-18-10**

### ✓ Спорт



## «ПАРИЖ-2024»: ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҚДОРЛАРИ

Пойтахтимиздаги Олимпия ва паралимпия шон-шухрати музейида Франциянинг Париж шаҳрида июль-август ойларида бўладиган XXXIII ёзи Олимпия уйинларида иштирок этадиган Ўзбекистон спорт делегациясини кузатиш маросимида байроқдорлар номи эълон қилинди. Унга кўра, бокс бўйича жаҳон чемпиони Абдумалик Халаков ҳамда кичикбозлик бўйича «Ханчжоу-2022» ёзи Осиё уйинларининг олтин ва бронза медаллари соҳибаси Зайнаб Дайибекова «Париж-2024» XXXIII ёзи Олимпия уйинларида Ўзбекистон делегацияси байроқдорлари эканлиги маълум қилинди. Эслатиб ўтамиз, XXXIII ёзи Олимпия уйинлари 26 июль-11 август кунлари бўлиб ўтади.  
Т. РЎЗИЕВ, ЎЗА

Ижтимоий мессенжерлар зулмига гарқ бўлиб, китоб деган илм манбаи-ни унутиб қўймайлик...



«MILLIY TIKLANISH» DEMOKRATIK PARTIYASINING IJTIMOY-SIYOSIY GAZETASI

JAMOATCHILIK KENGASHI:  
Alisher QODIROV – kengash raisi

Akmal SAIDOV,  
Abror PO'LATOV,  
Amriddin BERDIMURODOV,  
Akmal JUMABOYEV,  
Bahodir MAMATXONOV,  
Ibhom ABDULLAYEV,  
Ibrohim G'OFUROV,  
Iroda DADAJONOVA,  
Minhojiddin MIRZO,  
Nuriyman ABULXASAN,

Odiljon TOJIYEV,  
Olim O'SAROV,  
Otabek JIYANBOYEV,  
Ozodbek NAZARBEKOV,  
Ortiqali QOZOQOV,  
To'liqin TESHABOYEV,  
Feruza MUHAMMEDJANOVA,  
Xurshid DO'STMUHAMMAD,  
Sherzodxon QUDRATXO'JA,  
Shuxratjon AXUNDJANOV.

Bosh muharrir:  
Mirodil ABDURAHMONOV

TAHRIRIYAT MANZILI:

Toshkent shahri,  
Uchtepa tumani,  
Maqsud Shayxzoda ko'chasi, 1 A-uy.  
Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farq qilishi mumkin.

Gazetada Internet ma'lumotlari va suratlaridan foydalanildi.

Tahririyatga kelgan xatlar doimiy e'tiborimizda bo'lib, ular mualliflariga qaytarilmaydi.

NAVBATCHI MUHARRIRLAR:  
Abdug'affor OMONBOYEV,  
Mabuba KARIMOVA  
NASHR UCHUN MAS'UL:  
Ma'murjon YO'LDOSHEV  
NAVBATCHI:  
Feruza XODJAYEVA  
DIZAYN GURUHI:  
Asilbek QUDRATOV,  
Firdavs HAMIDULLAYEV

Elektron pochta:  
mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru

Gazeta «Sharq» nashriyoti-matbaa aksiyadorlik kompaniyasida chop etildi.  
Korxonada manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

2008-yil 29-oktyabrda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan № 0223 raqami bilan ro'yxatdan o'tgan.  
Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi.

Adadi – 5 063.  
Gazetaning bahosi kelishilgan narxda.  
Qog'oz bichimi: 350x587. Hajmi: 4 bosma taboq  
Buyurtma: G – 721  
Bosishga topshirish vaqti 21:00.  
Topshirildi 02:55

Telefon:  
(97) 755-10-11

ISSN 2010-7714

123456